# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 9 ноябрь, № 219 (5639) Жума


# Изчил ислоҳотлар, юксак самаралар

**мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган ўзгаришларда ҳам яққол намоён бўлмокда**

*Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти, куч-қудрати, халқаро миқёсдаги нуфузи, обрў-эътибори, энг аввало, шу юрт аҳолисининг қандай ҳаёт кечираётганлигига қараб белгиланади. Зеро, бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамиятнинг ривожланиш омили инсон, унинг соғлиғи ва турмуш даражасига бераётган эътибори, шу йўлдаги саъй-ҳаракатлари билан ўлчаниши барчамизга кундек аёндир.*



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Ифтихор

Айнан шу боис мамлакатимизда эл саломатлигини мустаҳкамлаш, маънан ва жисмонан соғлом авлодни вояга етказиш борасида узоқни кўзлаб, оқилона чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, соғлиғини янада мустаҳкамлаш барча ўзгариш ва ислоҳотларимизнинг бош мақсадига айланди. Бу ҳақда Президентимиз БМТ Бош ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида ҳам тўхталган эдилар. Шунингдек, бу борада истиқболга мўлжаллаб қабул қилинган стратегик дастурларнинг мазмун-моҳияти кенг баён этилгани ҳаммамизга маълум, албатта.

Президентимизнинг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони билан дунёда ўхшаши кам бўлган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши туфайли тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос модель яратилди. Албатта, бу каби дастурлар ҳаётимизда реал қадриятга, янгича ҳаёт ва дунёқараш негизига айланиб бораётгани қувонарлидир. Бугунги кунда бу йўлда изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижасини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида ҳис этаётгани, уларнинг саломатлиги янада мустаҳкамланиб, умр кўриш давомийлиги ошаётганлиги шундай хулоса қилишга асос бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, ўтган йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда ўтказилган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиум ҳақида тўхталиш ўринлидир. Ушбу анжуманда дунёдаги ўнлаб нуфузли халқаро ташкилот ва 40 га яқин давлатдан 300 нафар мутахассис иштирок этишди. Уларнинг барчаси мамлакатимизда қабул қилинган миллий дастурлар, юртимиз тиббиёт тизимида амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишдилар. Даволаш муассасаларида бўлиб, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида шаклланган самарали моделни юксак баҳоладилар. Пировардида бу борада тўпланган тажрибани бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этиш мумкин, деган якдил хулосага келдилар.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда эришилган улкан ютуқ ва марралар ҳақида сўз юритилганда, бошқа соҳалар қаторида соғлиқни сақлаш, хусусан, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг ҳам тилга олиниши бизни беҳоя қувонтиради, — дейди Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А. Камилов. — Бу бежиз эмас, албатта. Чунки истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз тиббиёт тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолининг барча қатлами малакали тиббий хизматдан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, қисқача айтганда, халқимиз саломатлигини янада мустаҳкамлашнинг самарали механизмини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди.

**Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада юксак даражага кўтариш мақсадида 2012 йилги Инвестиция дастури доирасида**

**150**

**дан зиёд замонавий тиббиёт муассасаларини бунёд этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.**

(Давоми 2-бетда).

## Эътироф

### Фахрланишга арзигулик муваффақият



*Ўзбекистонда ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди.*

**Маргарет ЧЕН,**
**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган кун тартибига мувофиқ, ялпи мажлис иши “Микромолиялаш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошланди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мажлисда депутатлар таъкидладиларки, қонун лойиҳаси микромолиялаш бозорини ва микрокредит ташкилотлари тизимини янада ривожлантиришга, халқаро принциплар ва андозаларга мувофиқ тартибга солиш ва назорат қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этишга қаратилган.

Мажлис давомида янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида таъкидландики, кўриб чиқилаётган ҳужжат йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принципларини белгилаб беради, нафақат транспорт воситаларининг, балки автомобиль йўлларининг ҳам техник ҳолати ва жиҳозланишига қўйиладиган талабларни аниқлаштиради. Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси ушбу қонунни қабул қилди.

Сўнгра депутатлар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Депутатларнинг фикрича, тезкор-қидирув фаолиятининг принциплари ва шаклларини, қонунийликка риоя этишнинг ҳуқуқий кафолатларини алоҳида базавий қонунда мустаҳкамлаб қўйиш, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган мавжуд нормаларни тизимлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга кўмаклашиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш имконини беради. Қайд этиб ўтилганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши суриштирув ва дастлабки тергов сифатини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга ўз вақтида тўсиқ қўйиш борасидаги ишларни янада самарали олиб бориш имкониятини яратади. Қонунчилик палатаси мазкур қонунни қабул қилди.

Кун тартибининг навбатдаги масаласи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган “Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан иборат бўлди. Муҳокама чоғида мажлис иштирокчилари мазкур қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтиришга, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини либераллаштиришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Депутатлар “Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди. Ушбу қонун лойиҳаси хусусий мулкка асосланган хусусий банклар ва молия институтларини ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантиришга, банк ва бошқа молия хизматлари бозорида рақобатни кенгайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга, замонавий бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга қаратилгандир. Қонунчилик палатаси ушбу қонунни ҳам қабул қилди.

Шунингдек, мажлисда бозор муносабатларини янада такомиллаштиришни, тадбиркорлик фаолияти кафолатларини таъминлашни назарда тутувчи бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

## Биз ва жаҳон

*Америка Қўшма Штатларининг Монтерей шаҳрида (Калифорния штати) мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти тақдимоти бўлиб ўтди. Юртимизнинг дунёга донғи кетган қатор шаҳарлари бағрида жойлашган кўпгина бетакрор тарихий-меъморий обидалар атрофлича тақдим этилган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий ваколатхонаси, мамлакатимизнинг Нью-Йоркдаги Бош консуллиги томонидан “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси кўмагида ташкил этилди.*

# Ўзбекистоннинг бетакрор маданий мероси Калифорнияда тақдим этилди

Тақдимот маросимида Монтерей шаҳри жамоатчилиги вакиллари ва маданият арбоблари, Монтерей Халқаро тадқиқотлар институтининг профессор-ўқитувчилари, экспертлари, талаба ва магистрантлари ҳозир бўлдилар.

Тадбирда мамлакатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги миссияси раҳбари ўз чиқишида Ўзбекистон жаҳон тамаддунининг бешиги бўлгани ҳолда, инсониятнинг маданий, илмий ва маънавий бойлигини уйғунлаштириб, ўзида мужассамлаштириб, асрлар давомида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги кўприк сифатида хизмат қилиб келганини алоҳида қайд этди. Замонавий Ўзбекистон ҳудудида қад кўтарган Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари кўҳна шаҳарлар бўйлаб Буюк Ипак йўли ўтгани ҳамда у нафақат товарлар ва технологиялар алмашинуви, балки турли халқлар урфодатлари ва анъаналарининг бир-бирини бойитишига ҳам кўмаклашгани тилга олинди.

Кўплаб замонавий илмий атамалар ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари буюк аждодларимизнинг кашфиётлари туфайли пайдо бўлгани тўғрисидаги маълумотлар ҳам тақдимот қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Таъкидланганидек, ўзбек мутафаккирларининг қаламига мансуб асар ва китоблар ҳозирги кунда ҳам ўзининг илмий долзарблигини сақлаб қолаётир ва улар ҳамон мутахассислар томонидан тадқиқ этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Жамоатчилик назорати такомиллашмоқда

*“Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси доирасида давра суҳбати ташкил этилди.*

## КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Тошкент давлат юридик институти вакиллари, Тошкент вилояти ва пойтахтимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилган бўлиб, бу борада жойларда муҳим чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, жамоатчилик назорати турлари, шакллари, уни амалга ошириш механизмлари ҳамда фуқаролар йиғинларининг бу борадаги ваколатларини ўзида акс эттираётган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

*Юртимизда амалга оширилаётган инсон манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда.*

# Фаол маҳаллалар танлови

## Тадбир

Натижада фуқаролик жамияти муҳим бўғинларидан бири сифатида маҳалла институтининг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётир. “Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари” танлови вилоят босқичларида қатнашаётган фуқаролар йиғинлари фаолияти мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятида 275 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш йиғини фаолият юритаётган бўлиб, шундан 11 таси танловнинг вилоят босқичига саралаб олинди. Уларнинг ҳужжатлари ва фаолиятига оид кўрсаткичлари ҳамда эришилган ютуқлари ҳакамлар ҳайъати томонидан қонунийлик, ошкоралик, адолат ва тенглик тамойиллари асосида баҳоланди. Шу билан бирга, маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмини кучайтириш борасида олиб бораётган ишлари ҳам таҳлил қилинди.

Якунда Ховос туманидаги “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни қўлга киритди. Гулистон туманидаги “Дўстлик” ҳамда Сирдарё туманидаги Ҳамза номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларига эса кейинги ўринлар насиб этди.

— Маҳаллада оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳадича Ғофурова. — Бунинг самараси ўлароқ, бугунги кунда ҳудудимизда 15 дан ортиқ оилавий бизнес субъектлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Айни чоғда аҳоли, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳам доимий эътиборимизда турибди.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлисда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини бажариш мақсадида ишлаб чиқилган “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонун лойиҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур қонун лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг депутатлари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари саволлар ва таклифлар билан сўзга чиқдилар. Улар партияларининг дастурларини ва сайловчиларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда ўз нуқтаи назарларини баён қилдилар.

Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатларнинг фикрига кўра, ушбу қонун лойиҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишнинг асосий жиҳатларига эътибор қаратилганлиги тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш имконини беради, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратади, шунингдек, рухсат бериш тартиб-таомиллари билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимлилиги ва яхлитлигини таъминлайди.

Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам ўз нуқтаи назарларини билдириб, қайд этдиларки, қонуннинг қабул қилиниши аҳолининг меҳнатда банд бўлмаган қисмини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш ва янги иш ўринларини яратишдан иборат муҳим жараённинг амалга оширилишига кўмаклашади, бу эса фракциянинг манфаатларига тўла мосдир.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси депутатларининг фикрига кўра, қонуннинг қабул қилиниши рухсат бериш тизимини бозор иқтисодиёти принципларига мувофиқлаштириш имкониятини берадиган қонунчилик базасини яратади, бу эса, ўз навбатида, бошқарув тизимини такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда бюрократик тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашади ва шуниси муҳимки, рухсат этиш хусусиятидаги ҳужжатларни беришда “бир дарча” принципи жорий этилишини назарда тутади.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари ўз нуқтаи назарларини ифодалаб таъкидладиларки, ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқарув ҳаракатларининг тўла очиқ-ойдинлигини таъминлаш имкониятини беради. Жумладан, рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасида бошқарув органлари рухсатномалар бериш учун зарур бўладиган ҳужжатлар рўйхатини белгилайди, рухсатномалар бериш муддатларини аниқлайди, рухсат этиш хусусиятидаги берилган ҳужжатлар реестрини юритади ва уларни веб-сайтларида жойлаштиради. Улар тадбиркорлик субъектларининг оғзаки ёки ёзма сўровига кўра рухсат бериш тартиб-таомилларига доир масалалар юзасидан текинга тўлиқ ахборот ва малакали маслаҳатлар (тушунтиришлар) беради.

Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари ҳам ўз нуқтаи назарларини билдириб, қонун лойиҳасида баён қилинган нормалар тадбиркорлик субъектларининг табиатдан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда атроф-муҳитнинг муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Қонунчилик палатаси ҳар томонлама муҳокамадан сўнг ушбу қонунни қабул қилди.

Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати.**



# Изчил ислоҳотлар, юксак самаралар

## мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида рўй бераётган ўзгаришларда ҳам яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, шундай. Бугун биз мамлакатимиз тиббиёти қанчалик юксалганлигини биргина бирламчи бўғин — ҚВПларнинг замонавий тиббий марказ сифатида шаклланаётганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, жуда паст натижа берадиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг мутлақо янги, ихчам ва замонавий тизими — 3200 та ҚВП, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари вужудга келди. Қисқа фурсат ичида ушбу ҚВПлар биохимик анализаторлар, офтальмоскоп, автоклав, бинокуляр микроскоп, фетал доплер ва ЭКГ аппаратлари каби кўплаб замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди.

Ўтган йиллар ичида “Саломатлик-1” ва “Саломатлик-2” лойиҳалари доирасида 70 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ қишлоқ жойлардаги бирламчи тиббиёт бўғини муассасалари инфратузилмасини янада яхшилашга йўналтирилди. 2012 йилги Инвестиция дастурига биноан, шу йилнинг ўзида яна 20 дан зиёд замонавий ҚВП фойдаланишга топширилади.

Ҳозирги кунда ҚВПларни ташкил этиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, айни чоғда тиббиёт ходимлари малакасини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун ҚВПларда 7 минг нафардан зиёд умумий амалиёт шифокори самарали иш олиб бораяпти. Тиббиёт ходимларини фаолияти давомида соҳадаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор этиш ва ўқитиш учун ҳам шароитлар яратилди.

— Қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига кўрсатилаётган самарали тиббий хизмат, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли аҳолининг юқумли хасталиклар билан касалланиши кескин камайди, — дейди республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, бош давлат санитария врачи С. Сайдалиев. — Полиомиелит, чақалоқлар қоқшоли, дифтерия каби хасталикларга бутунлай барҳам берилди. Охирги йилларда қизамиқ ва қизилча касалликлари умуман қайд этилмади. Сўнгги ўн йилда эса 10 ёшгача бўлган болаларда вирусли гепатитнинг “В” тури рўйхатга олинмади. Буларнинг барчаси аҳоли ўртасидаги соғлом турмуш тарзи даражаси тобора юксалиб бораётгани, соғлом авлодни дунёга келтириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг ёрқин самарасидир.

Президентимиз раҳнамолигида сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ва вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда хирургия, кардиология, урология, кўз микрохирургияси каби ўнлаб ихтисослаштирилган йирик марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукаммал тармоғи яратилдики, бу, ўз навбатида, юртимизда саломатлик кўрсаткичларининг барқарор сақланиб туришида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Ўтган йиллар мобайнида “Соғлом она — соғлом бола” ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилиши натижасида илгари ҳатто тасаввуримизга ҳам сиғдиришимиз қийин бўлган скрининг ва перинатал каби янги тиббий марказлар миллий тиббиётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Табиийки, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган ихтисослаштирилган марказ, диагностика, скрининг ва перинатал хизмати, янги туғуруқ муассасалари барпо этилгани, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги замирида бир мақсад — халқимиз соғлиғини янада мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялашдек эзгу ният мужассам. Оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом зурриётни дунёга келтириш борасида кўрилаётган бу каби кенг қамровли ишлар туфайли мустақиллик даврида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими 3 баравар камайди. Очиғи, бундай кўрсаткич бўйича бугун Ўзбекистон нафақат МДҲ, балки дунёдаги етакчи мамлакатлар сафидан жой олди.

Маълумотларга қараганда, агар 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу рақам 62,9 фоизга етди. Дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, унда мамлакатимиз бу масала бўйича ҳам қанчалик юксак ўсиш суръатларига эришаётганлигига яққол амин бўламиз. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, ўша йилнинг 1 июлида қабул қилинган “2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги қарорлари асосида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди.

— Эътиборлиси, соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида ажратилаётган бюджет маблағлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда, — дейди республика соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш Бош бошқармаси бошлиғи Б. Ҳошимов. — Жумладан, 2011 йилда соҳа ривожи учун давлат бюджетидан 2,2 триллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 2,8 триллион сўмни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Ҳозирги вақтда 2012 йилги Инвестиция дастури доирасида 150 дан зиёд ҳудудий ва республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида қурилиш ҳамда реконструкция ишлари жадал олиб борилмоқда. Ушбу мақсадларга давлат бюджети ҳисобидан қарийб 256 миллиард сўм сарфланиши режалаштирилган. 2013 йилда мўлжалланган бунёдкорлик ишлари бундан-да юксак. Унга кўра, келаси йили 53 та туман тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, 5 та диспансер ва санаторий ҳамда кўплаб шифохоналар қурилиб, реконструкция қилиниши кўзда тутилмоқда.

Эътибор беринг: бу ўзгариш ва бунёдкорлик ишлари дунёда ҳалиҳануз давом этаётган иқтисодий инқироз пайтида амалга оширилаётганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу эса, Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва “Ўзбек модели” деб ном олган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди. Чунки бизда халқ манфаати, юрт истиқболи йўлидаги ишлар бир зум ҳам тўхтаб қолаётгани йўқ. Бу ҳақда сўз борганда, мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг Кардиожарроҳлик мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Негаки, халқимизнинг буюк яратувчилик салоҳиятининг намойиши бўлган ушбу улкан мажмуа мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ёрқин намунаси бўлди.

— Тўрт қаватли ушбу замонавий Кардиожарроҳлик мажмуаси дунёдаги энг мураккаб ва ноёб жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли ўтказиш имкониятимизни янада кенгайтирди, — дея фахрланиб гапиради мазкур марказ бўлим раҳбари Ҳакимжон Аброров. — Айни пайтда ҳамкасбларимиз биргина кардиохирургия соҳасида юзга яқин турдаги энг қийин ва ўта нозик бўлган операцияларни, хусусан, юрак очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан ҳам амалга ошираётганлиги, рости, ўзбек тиббиётининг юксак даражада ривожланаётганлигидан далолатдир.

Дарвоқе, бизга алоҳида ифтихор бағишлайдиган яна бир жиҳат, бу — мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришаётган ютуқлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), ЮНИСЕФ каби дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътироф этилаётганлигидир. Табиийки, бундай холис эътирофлар мамлакатимизда тиббиёт тизими янги босқичга кўтарилгани, хизматнинг замонавий ва ишончли эканлигига яққол далилдир.

Хабарингиз бор, бундан бир муддат олдин Ўзбекистон “Save the children” (“Болаларни асрайлик”) халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди. Мамлакатимизда аҳолига хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимлари сони, тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, болаларнинг мунтазам эмлашга қамраб олиниши, аёлларга туғиш пайтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари каби қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича рейтингда Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг кўплаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди.

Мана шундай бир шароитда мамлакатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши тиббиёт соҳасида янада жиддий янгиланишлар сари ташланган муҳим қадам бўлди. Негаки, ушбу ҳужжатда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва андозаларга мувофиқ, аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг илғор шакл ҳамда услубларини жорий этиш билан боғлиқ қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

— Юртбошимизнинг шифокорларга бўлган беқиёс эътибори ва ғамхўрлиги бизни ҳамиша ғурурлантириб, фидойилик билан ишлашга ундамоқда, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фанлари доктори Холиджон Комилов. — Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорлар байрами сифатида нишонланиши барчамизга янада руҳий куч-ғайрат бағишламоқда.

Фахр ва мамнуният билан айтамизки, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани айни ҳақиқатдир. Бу Президентимиз томонидан илгари сурилган “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак”, деган ҳаётий тамойилнинг ҳаётимиздаги яна бир ёрқин ифодасидир.

**Фурқат САНАЕВ.**

# Ўзбекистоннинг бетакрор маданий мероси Калифорнияда тақдим этилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир чоғида Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар ҳам намойиш этилди. Улар мамлакатимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар, юртимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг устувор йўналишлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий мазмун-моҳияти тўғрисидаги атрофлича маълумотлар билан тақдимот қатнашчиларини таништирди. Маросим якунида Монтерей Халқаро тадқиқотлар институтига совға сифатида “Фонд Форум тақдим этади: Ўзбекистон” китоб-альбоми топширилди.

**Монтерей Халқаро тадқиқотлар институти факультет декани А. Негро** ушбу учрашув туфайли минг йиллик тарих ва бетакрор маданиятга эга бўлган Ўзбекистон билан яқиндан танишганидан мамнун эканлигини айтди. “Бугун бизнинг эътиборимизга тақдим этилган маълумотлар бизда катта таассурот қолдирди, шу боис менда Буюк Ипак йўли ўтган қадим шаҳарларни ўз кўзим билан кўриш истаги туғилди. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқи ўзининг бой мероси билан фахрланса арзийди”, деди у.

**Монтерей Ҳарбий-денгиз институтининг ходими В. Клемент** маданият, санъат гуллаб-яшнаган, илм-фан ва меъморчилик тараққий топган Темурийлар бошқаруви даврида эришилган ютуқлар ҳақидаги ахборотлар ўзида катта қизиқиш уйғотганини маълум қилди.

“Амир Темур ва унинг авлодлари томонидан бунёд этилган салтанат ўз тараққиёти жиҳатидан ўша даврдаги кўплаб Европа давлатларини ортда қолдиргани кишида ҳайрат уйғотади. Мен бир неча марта Ўзбекистонда бўлганман ва шуни ишонч билан айта оламанки, бой тарихий-маданий меросга эга мамлакатингиз халқаро сайёҳликнинг бетакрор масканидир. Ўйлайманки, бундай тақдимот маросимларининг ўтказилиши мамлакатингизга нисбатан қизиқишнинг ортишига ва бутун дунёдан, шу жумладан, Америкадан сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилади”, деди В. Клемент.

**«Жаҳон» АА.**
АҚШ

## Анжуман

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Адлия вазирлиги томонидан “Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат йўналишида давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.*

# Ҳуқуқий тарғибот

## фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омили

Эътироф этилганидек, юртимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга устувор аҳамият берилмоқда. Зеро, юксак ҳуқуқий маданият аҳолини қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш орқали кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу боис ҳам, Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда ҳуқуқий давлат асосларини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан боғлиқ бир қатор долзарб вазифалар белгилаб берилган бўлиб, бу борада кўплаб ишлар рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Ушбу ҳужжатга кўра, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, қонунийликни мустаҳкамлашга масъул давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш мазкур вазирлик вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирги пайтда барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ҳамда маърифат соҳасидаги ишлари таҳлил қилинмоқда, тарғибот ва маърифат йўналишида тегишли кўрсатма, қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, адлия органлари томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида қабул қилинган Фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, Миллий дастур ижросини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тадбирлар олиб борилаяпти. Шу мақсадда жорий йилнинг 9 ойида аҳоли, хусусан, ёшлар иштирокида 42 мингдан зиёд учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилгани бунинг яққол мисолидир.

Тадбирда интернет тармоғидаги “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси” — “Lex.UZ”ни янада такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам сўз юритилди. Айни чоғда 25 мингга яқин ҳужжат жамланган ушбу базадан аҳолининг бепул фойдаланиши йўлга қўйилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма йиллик санасини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича белгилаб берилган вазифалар, хусусан, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, юридик адабиётлар нашри билан боғлиқ масалаларда амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди.

**Ш. ХОЛТЎРАЕВ.**

# Жамоатчилик назорати такомиллашмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Зеро, жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат барқарор бўлиши учун шахс, жамият ва давлат муносабатларида тенглик, масъулият ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

— Бугунги кунда юртимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат бошқаруви органлари устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш даражаси ортиб бормоқда, — дейди Қибрай туманидаги “Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳимбой Ботиров. — Хусусан, йилнинг ҳар чорагидаги йиғинларда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти доирасига кирувчи масалалар бўйича ҳисоботларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилиб, у тобора самарали бўлиб бормоқда. Бу, табиийки, жойларда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда аҳоли фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

— “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйиш ҳамда тарғибот ишларини ташкил этишга доир мунтазам равишда услубий кўмак ва тавсиялар бериб келинаётгани бу борада муҳим омил бўлаяпти, — дейди фонднинг масъул ходими Учқун Маҳмудов. — Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида фуқаролар йиғинларининг жамоатчилик назорати билан боғлиқ фаолияти кўлами тобора кенгаймоқда.

Юртимиздаги барча фуқаролар йиғинларида ташкил этилган Жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар фаолиятини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Айни чоғда фуқаролар йиғинлари фаолияти доирасига кирувчи масалалар бўйича ҳудудлардаги тиббиёт муассасаси, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиёти ҳам йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, аҳоли саломатлигини сақлаш ҳамда тиббий хизмат сифатини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, маҳаллаларда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишда жамоатчилик назоратининг қўл келаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Давра суҳбатида “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши, натижаларнинг расмийлаштирилиши, тегишли чоралар белгиланиши каби масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

— Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишнинг муҳим институтларидан бўлгани боис сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатларида фуқаролар йиғинларига мазкур йўналиш бўйича берилган бир қатор ваколатлар ўз ифодасини топган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хайрулла Рўзметов. — “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Мазкур қонун лойиҳасида жамоатчилик назорати билан боғлиқ жараёнларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қатор ҳуқуқий меъёрлар назарда тутилмоқда. Уларни янада такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлардан қонун ижодкорлиги жараёнида унумли фойдаланамиз.

Анжуманда қонун лойиҳасида нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг жамоатчилик назорати субъекти сифатида белгиланаётган ҳуқуқлари хусусида сўз юритилиб, лойиҳанинг мазкур масалалар билан боғлиқ жиҳатларини янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Якунда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Фаол маҳаллалар танлови

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу мақсадда йиғин қошида эшикром ишлаб чиқарувчи корхона, новвойхона ҳамда сартарошхонани ишга тушириб, уларга ёшлар ва хотин-қизларни жалб этдик. Танловда ўрганганимиз — илғор тажрибалар бу борадаги фаолиятимизни янада кенгайтиришда қўл келишига ишонамиз.

Танловнинг Нукус шаҳрида ўтказилган Қорақалпоғистон Республикаси босқичида эса 16 та фуқаролар йиғини баҳс олиб борди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан биринчи ўринга Элликқалъа туманидаги “Гулдурсин” овул фуқаролар йиғини, кейинги ўринларга эса Кегайлидаги “Жузимбағ” ва Нукус туманидаги “Қирантау” овул фуқаролар йиғинлари лойиқ, деб топилди.

— Ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик-тотувликни таъминлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бораётгани танловда қатнашган фуқаролар йиғинлари фаолияти мисолида ҳам кўзга яққол ташланиб турибди, — дейди Элликқалъа туманидаги “Гулдурсин” овул фуқаролар йиғини раиси Камолиддин Шарипов. — Танловда бизнинг маҳалланинг ҳам бу борадаги фаолияти яна бир бор синовдан ўтказилди. Муҳими, бу ерда ўрганган тажрибаларимиз келгуси фаолиятимизда асқотади.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Танловнинг Қашқадарё вилояти босқичида ана шундай салоҳиятга эга бўлган 14 та фуқаролар йиғини иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан уларнинг аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, миллий қадрият ва урф-одатларни кенг тарғиб қилиш, миллий удум ва анъаналарни оммалаштириш, маҳаллани турли соҳаларни қамраб олган ҳолда, комплекс ривожлантириш борасидаги фаолияти синчиклаб ўрганилди.

Якунда Чироқчи туманидаги “Кўкдала” қишлоқ фуқаролар йиғини ғолиб чиқди. Косон туманининг “Айрончи” ҳамда Қамаши туманидаги “Бобуртепа” маҳалла фуқаролар йиғинлари кейинги ўринларни эгаллади.

Танловнинг Самарқанд вилояти босқичи ҳам қизғин баҳсларга бой бўлди. Унда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилидан кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришда намуна кўрсатиб келаётган 12 та фуқаролар йиғини ўзаро кураш олиб борди. Уларнинг фаолияти ҳакамлар томонидан чуқур ўрганилиб, пировардида муносиб баҳоланди. Унга кўра, Самарқанд туманидаги “Бадал” маҳалла фуқаролар йиғини биринчи, Самарқанд шаҳридаги “Саид”, Ургут туманининг “Сўфиён” маҳалла фуқаролар йиғинлари эса иккинчи ҳамда учинчи ўринларга муносиб кўрилди.

— Бундай танловлар жамиятда маҳалла институтининг аҳамияти ва нуфузини янада оширишда муҳим ўрин тутади, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви раиси Шавкат Жониқулов. — Зеро, тадбир жараёнида вилоятдаги илғор фуқаролар йиғинларининг ҳудудларда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва бошқа йўналишлардаги тажрибаси кенг оммалаштирилди. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, намунали маҳаллалар сони кўпайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Танлов ғолибларига ташкилотчилар томонидан махсус диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Айни чоғда улар кўрикнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

# Юқори сифат – фаолиятимиз мезони

*Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлисида алоҳида таъкидланганидек, ўтган даврда мамлакатимизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7,2 фоизга ўсди.*

## Интилиш

Бу, албатта, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби саноатда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада равнақ топтириш, хусусан, хорижий сармоядорлар иштирокидаги замонавий корхоналар сонини кўпайтиришга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самараси бўлиб, ушбу тармоқда туб бурилиш юз бераётганидан далолатдир.

Мисол учун, республикамизда ягона бўлмиш мис труба ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бизнинг корхонамиз — “Rav Ekspress” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини олиб кўрайлик. Мазкур корхонани ташкил этишдан мақсад маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда, ички ва ташқи бозор учун дунё стандартларига мос шундай сифатли маҳсулот тайёрлаш эди.

*2010 йили мутахассисларимиз Хитойнинг етакчи компаниялари вакиллари билан биргаликда ана шу йирик лойиҳани амалга оширишга киришди. Бунда “Ипак йўли” банки ҳамкорлигида Ислом Корпорациясининг Хусусий секторни ривожлантиришга йўналтирилган имтиёзли кредити қўл келди. Натижада лойиҳанинг биринчи босқичи 2011 йилда ишга туширилиб, сув, газ, совитиш ва иситиш тизимларига мўлжалланган умумий ўлчами 22, 25, 27, 28 ва 30 мм.дан иборат мис труба маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошланди. Шу билан бирга, касб-ҳунар коллежининг 25 нафарга яқин битирувчиси ишга қабул қилинди.*

2011 йили эса Президентимиз томонидан қабул қилинган ПҚ-1590-сонли қарорга асосан, корхонамиз Маҳаллийлаштириш дастурига киритилгани жорий йилда лойиҳанинг иккинчи босқичини ҳам ишга тушириш имконини берди. Аниқроғи, йилига 2500 тонна мисни қайта ишлаб, кичик ўлчамдаги (4 мм.дан 30 мм.гача) трубаларни ишлаб чиқарувчи замонавий технологиялар ўрнатилиб, 10 га яқин иш ўрни яратилди. Айни кунларда жамоамиз республикамиз ҳудудидаги маиший техника ишлаб чиқарувчи “Сино” ОАЖ, “Neo Sun Light”, “AZN”, “Mirta Polymet” МЧЖ, “Тошкент трактор заводи” ОАЖ, “Zenith Elektroniks” ҚК, шунингдек, “Ўзтемирйўлмаштаъмир”, “Maxam-Chirchiq” ва “Навоийазот” каби йирик корхоналарга импорт ўрнини босувчи, дунё стандартлари билан бемалол рақобат қила оладиган маҳсулотларни етказиб бераётганидан мамнун. Зеро, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг бугунги куни ва келажак тараққиётининг таянчига айланаётган экан, унинг янада мустаҳкамланишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиш бурчимиздир.

**Фаррух ШАРАПОВ,**
**«Rav Ekspress» масъулияти чекланган жамиятининг халқаро алоқалар бўлими мутахассиси.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 26 ОКТЯБРДАН 2 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 29 октябрдаги 235-мҳ-сонли буйруғи.*

**2012 йил 29 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1905-3 (2012 йил 8 ноябрдан кучга киради).**

2. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ҳаво кемаларининг радиожиҳозларига сертификат бериш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 4 октябрдаги 12-н-сонли буйруғи.*

**2012 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1428-2 (2012 йил 12 ноябрдан кучга киради).**


NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**миллий валютадаги янги муддатли омонатлар амалга киритилганлигини маълум қилади.**

**«КУЗГИ»**
- Сақлаш муддати — 2 ой.
- Бошланғич бадалнинг минимал суммаси — 5 000 000 сўм.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
- Фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йил 25 ноябрга қадар амалга оширилади.

**«САРМОЯ»**
- Сақлаш муддати — 6 ой.
- Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади. Талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди.
- Омонатга маблағ қабул қилиш — 2012 йил 31 декабрга қадар амалга оширилади.

*Шунингдек, миллий валютадаги «Мураббий» омонатининг амал қилиш муддати 2012 йил 1 декабрга қадар ва «Истиқлол» омонатининг амал қилиш муддати 2012 йил 31 декабрга қадар узайтирилганлигини маълум қилади.*

**Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

**Қўшимча маълумотларни (8-371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**

**www.nbu.com**

1857A/655



**«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси**
**«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси**

**ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ**

**қуйидаги товар-моддий бойликларни сотиб олиш юзасидан 13/12-сонли ТЕНДЕР САВДОСИ эълон қилади.**

| Лот сони | Маҳсулот номи | Миқдори |
|---|---|---|
| Лот № 1 | Инженер-техник ходимлар учун кузги-баҳорги куртка ва шим<br>Ишчи-ходимлар учун куртка ва шим<br>Инженер-техник ходимлар учун кузги камзул (куртка)<br>Ишчи-ходимлар учун кузги камзул (куртка)<br>Инженер-техник ходимлар учун қишки куртка<br>Ишчи-ходимлар учун қишки куртка | 825 тўплам<br>6192 тўплам<br>712 тўплам<br>3354 тўплам<br>770 тўплам<br>1891 тўплам |

*Тендер таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун муддат ичида қабул қилинади.*
*Тендер таклифи бир шартнома доирасида 1 224 000 000 сўм миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур.*

**Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**«Шўртан газ-кимё мажмуаси», 180300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.**
**Тел./факс: +998 (75) 780-87-74. Факс: +998 (75) 221-09-04, 221-08-46.**
**Электрон почта: tender@sgcc.uz**

1860A/88



**«Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси**
**«Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси**

**ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ**

**қуйидаги кимёвий реагентни сотиб олиш юзасидан 14/12-сонли ТЕНДЕР САВДОСИ эълон қилади.**

| Лот сони | Маҳсулот номи | Миқдори |
|---|---|---|
| *Лот № 1* | Катализатор LC 2253 | 3,42 тонна |

*Тендер таклифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун муддат ичида қабул қилинади.*
*Тендер таклифи бир шартнома доирасида 150 000 АҚШ доллари миқдоридан ошиб кетмаслиги зарур.*

**Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:**
**«Шўртан газ-кимё мажмуаси», 180300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони.**
**Тел./факс: +998 (75) 780-85-72. Факс: +998 (75) 221-09-04, 221-08-46.**
**Электрон почта: tender@sgcc.uz Web-site: www.sgcc.uz www.tenderweek.com**

1859A/88



**ТАТУ қошидаги Дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази:**

— мобиль телефонлар ва қурилмалар учун JAVA дастурлари кўринишидаги турли ахборот-маълумотнома навигаторларини яратади;
— турли даражадаги компьютер дастурлари ва ахборот тизимларини ишлаб чиқаради ва жорий қилади.

**Телефонлар:**
**(8-371) 262-86-21 (иш),**
**(+99893) 557-92-32 (уяли).**
**E-mail: softcenter@tuit.uz**

1827A/1241


**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҒОЯЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилди.

***Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашади.***

Танлов қуйидаги йўналишларда бўлиб ўтади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

Ариза (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи (намуна бўйича).
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

*Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08. Web-site: www.ffpd.uz. E-mail: pdf.fund@gmail.com*
*Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.*

*1-илова*

**Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танловда иштирок этиш учун БУЮРТМАНОМА**

1. ______________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. ______________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. ______________________________
(Ф.И.Ш., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— инвестиция таклифи;
— инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

______________________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.Ш.)

*2-илова*

**Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

**1.** Лойиҳанинг номи.
**2.** Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
— номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури;
— асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ҳамда ҳажми) ва молиявий кўрсаткичлари.
**3.** Негизида лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
— корхонанинг номи ва реквизитлари;
— асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
— охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
— умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
— мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
— кадрлар потенциали.
**4.** Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
*4.1.* Маркетинг:
— ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
— дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
— мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
— маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
*4.2.* Ишлаб чиқариш:
— лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
— зарур бўладиган ходимлар сони.
*4.3.* Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:
— инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
*4.4.* Молиялаштириш:
— лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
— объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
— лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
**5.** Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
— кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
— экспорт ҳажми.

*3-илова*

**Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ**

______________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган манзили)

| № | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг. долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

1829R/1214


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МХХ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

**иш тажрибасига, моддий-техника базасига эга бўлган барча қурилиш корхона ва ташкилотларини мудофаа ҳамда фуқаролик биноларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.**

**Бизнинг таклифимизга хоҳиш билдирган барча ташкилотлар маълумот олиш учун**
**(8-371) 241-41-06**
**телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.**

*Иш вақти – ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача.*

**Корхоналар ўз тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:**
**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй.**

1806R/1187



Qishloq Qurilish Bank

**ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»**

***банк брендини акс эттирадиган йиллик календарлар дизайнини ишлаб чиқиш ҳамда уларни тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади.***

*Таклифлар 2012 йил 15 ноябрь куни соат 12.00 гача қабул қилинади.*

**Танлов шартларини қуйидаги манзилдан ва электрон веб-сайтимиздан олиш мумкин:**
**100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй.**
**Телефонлар: (+99871) 150-76-75, 150-39-93.**
**www.qqb.uz**

1868R/1073



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**9.00 дан 18.00 гача**
**232-11-15, 236-09-25.**
**E-mail: reklama@xs.uz**

02


Ўзбекистон Бадиий академияси жамоаси бош ҳисобчи Абдурашид Жўраевга падари бузруквори

**Тўра ота ЖЎРАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки бошқаруви ва жамоаси банкнинг Иқтисодиёт тармоқларини кредитлаш бошқармаси бошлиғи

**Шавкат ЗИЯЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти жамоаси инспекция бошлиғи ўринбосари Шовкат Ғаффоровга падари бузруквори

**Учқур ҒАФФОРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Газета ва газетхон: ЮЗМА-ЮЗ



## Жиҳозлаш ишлари босқичма-босқич бажарилмоқда

*— Вилоятимизда фаолият юритаётган йўналишсиз таксиларнинг аксарияти сариқ рангга бўялди. Аммо уларнинг ҳаммасида ҳам белгиланган тартибдаги жиҳозлар — алоқа воситаси, босиб ўтилган йўлни ҳисоб-китоб қиладиган махсус жиҳоз, пластик карточкада тўловни амалга ошириш учун терминални учратмайсиз. Нега?*

**А. ЮСУПОВ.**
Наманган шаҳри

— Дарҳақиқат, йўналишсиз таксилар Низомда белгиланган тартибда жиҳозланган бўлиши керак (таксометр, плафон, касса аппарати, терминал ва бошқалар). Барча йўналишсиз таксиларни ана шу зарур воситалар билан таъминлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилаётганини маълум қиламиз.

**Ш. ШОВАҲОБОВ,**
**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари.**

## Гаровсиз кредит олиш мумкинми?

***— Талаба тадбиркорлик фаолиятини бошлаш мақсадида банкдан кредит олмоқчи. Аммо бунинг учун унда гаровга қўйиладиган молк-мулк йўқ. Ҳатто бирор-бир ташкилотдан кафолат хати олиш имконияти ҳам мавжуд эмас. Мана шундай шароитда унга кредит ажратиш мумкинми?***

**Э. ТЎРАЕВ.**
Қўнғирот тумани

— Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тижорат банкларининг ички кредит сиёсатига мувофиқ, кредитнинг таъминланганлиги кредитлаш жараёнидаги асосий тамойиллардан бири ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 7 мартда 907-сон билан рўйхатга олинган "Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, шунингдек, кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш Тартиби"га асосан, қарз олувчи банкка таъминотнинг қуйидаги турларидан бирини тақдим этиши белгилаб қўйилган: мол-мулк ёки қимматли қоғозлар гарови; банк ёки суғурта ташкилотининг кафолати; учинчи шахслар кафиллиги; қарз олувчининг кредитни сўндирмаслик хатарини суғурталаши тўғрисида суғурта компаниясининг суғурта полиси.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда тижорат банкларининг ички кредит сиёсатига кўра, кам суммали микрокредитлар ажратишда доимий иш жойи ва даромад манбаига эга бўлган жисмоний шахсларнинг (қариндошлар ёки яқинлар) кафиллигини қабул қилиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Демак, бу ҳам ўзига хос имконият.

**Ш. ҲАЙДАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари.**

## Имтиёзли пенсия шартлари

**— 1981 йили Андижон давлат тиббиёт институтини битириб, дастлаб врач-терапевт, 2009 йил декабрь ойидан эса врач-фтизиатр сифатида силга қарши кураш диспансерида ишламоқдаман. Ҳадемай, 55 ёшга тўламан. Имтиёзли нафақага чиқишим мумкинми?**

**Н. ОРИПОВ.**
Хўжаобод тумани

— Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни 12-моддаси "л" бандига асосан, ихтисослаштирилган тиббий муассасаларнинг шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари махсус иш стажи қишлоқ жойида камида 25 йил, шаҳарларда эса камида 30 йил бўлган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган 3-сонли рўйхат VIII қисмига мувофиқ, сил ва юқумли касалликлар муассасалари врачлари иш стажи қишлоқ жойида камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда, пенсияга чиқиш учун умумий белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Адлия вазирлигида 2012 йил 12 мартда 2337-сон билан давлат рўйхатидан ўтган "Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисида Йўриқнома"нинг 25-бандига кўра, рўйхатларда кўзда тутилган врачлар, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқига, ишлаш даврида амал қилган қонунчиликка асосан, мазкур тоифадаги ишчиларга белгиланган иш вақтининг давомийлиги меъёрлари талабларига риоя этилган тақдирда эга бўлади.



3-сон рўйхатнинг VIII қисми бўйича пенсиялар, агар врачлар ва бошқа тиббиёт ходимлари меҳнат фаолиятининг бир қисми қишлоқ жойлардаги ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида, қолган қисми эса шаҳарда ўтган бўлса, камида 30 йил меҳнат стажига эга бўлган тақдирда тайинланади.

**М. ЗИЯДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг биринчи ўринбосари.**

## Амал қилиш муддати кўрсатилганми?

**— Озиқ-овқат маҳсулотларида ишлаб чиқарилган сана ва амал қилиш муддати кўрсатилган бўлиши шарт. Буни яхши биламиз. Аммо жуда кўп колбаса маҳсулотларида ана шу маълумотлар кўрсатилмайди. Хусусий дўкон эгаларига бу ҳақда билдирсак, "Нима қилайлик, бизга шундай олиб келишади. Қўрқмай олаверинг, ҳали янги" дея оғзаки кафолат ҳам беришади. Шу тўғрими?**

**А. МАМЕТОВ.**
Андижон тумани



— Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 6-моддасига асосан, ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) ўзи реализация қилаётган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳақида истеъмолчига ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Шундай экан, ишлаб чиқарилган санаси ҳамда амал қилиш муддати кўрсатилмаган озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилиш қатъиян ман этилади. Бунга йўл қўйган сотувчи эса жавобгар ҳисобланади.

**А. ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси ўринбосари.**

**— Яқинда маҳаллий интернет сайтларимиздан бирида Тошкент шаҳридаги темир гаражлар бузилиши ҳақида хабар тарқатилди. Аммо унда мазкур чора-тадбирни амалга оширишдан кўзланган мақсад ва вазифалар хусусида етарлича маълумот берилмаган. Айтинг-чи, ростдан ҳам энди темир гаражлардан бутунлай воз кечиладими? Агар шундай бўлса, автомобилларни сақлашда аҳолига қандай қўшимча қулайликлар яратилади?**

**И. ВОҲИДОВ.**
Чилонзор тумани

## Спорт майдончалари кўпаяди

— Тошкент шаҳридаги кўп қаватли турар-жойлардан ташкил топган мавзе ва даҳалар ҳудудини тартибга келтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2011 йил 26 март куни ўтказилган йиғилишнинг 05/121-11-сонли баёнида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 2011 йил 29 мартда Тошкент шаҳар ҳокимининг "Тошкент шаҳрида "Намунавий маҳалла" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган.

Мазкур қарорнинг 5-бандида туман ҳокимларига туман ҳудудидаги автогаражларни бартараф этиб, автотранспорт воситалари тўхташ жойларини ташкил этиш юклатилган. Бузиб ташланган темир гаражлар ўрнида, шунингдек, болалар ўйингоҳлари, спорт майдончалари, дам олиш масканлари ташкил этиш кўзда тутилган. Шаҳарсозлик қоидалари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда, келажакда кўп қаватли гаражлар қурилиши ҳам режалаштирилган.

**Р. РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

## Қарамоғимга олмоқчиман

***— Анча йилдан буён Тошкент шаҳрида яшайман. Туғишган укамни ўз уйимга доимий пропискага қўйдириш ҳуқуқига эгаманми?***

**С. БАҲРИЕВ.**
Миробод тумани

— Фуқароларни Тошкент шаҳрида прописка қилиш "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади.

Мазкур Қонун билан тасдиқланган рўйхатнинг 4-бандига мувофиқ, ота-онаси бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз бўлган ҳамда ўз оиласи бўлмаган вояга етган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига доимий прописка қилиниши мумкин.

**О. МУРОДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари.**



## Шароит ва харажат

*— Фермер хўжалигимизга тегишли ернинг бир қисми насос билан суғорилади. Аммо ер солиғи тўлашда ҳамма майдон учун бир хил миқдорда солиқ тўлаймиз. Аслида насосдан фойдаланиш ҳам катта харажат талаб қилади. Айтинг-чи, солиқ қонунчилигимизда мана шундай шароит эътиборга олиниб, имтиёзлар жорий этиш назарда тутилганми?*

**Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**
Ғузор тумани

— Фермер хўжаликлари томонидан ҳозирги кунда тўланиб келинаётган ягона ер солиғи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 369-моддасига мувофиқ, ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиққан ҳолда, ҳисоблаб чиқарилади. Ер участкаларининг норматив қиймати эса, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилар (фермер хўжаликлари) томонидан барча умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ўрнига фақатгина ягона ер солиғи тўланади. Амалдаги солиқ қонунчилигида насос билан суғориладиган ерлар учун имтиёзлар назарда тутилмаган. Лекин ер участкаларининг норматив қийматини аниқлаш Адлия вазирлигида 2006 йил 19 апрелда 1563-сон билан рўйхатга олинган "Ўзбекистон Республикасидаги қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерлари меъёрий баҳосини аниқлашнинг муваққат Йўриқномаси" асосида амалга оширилиб, қишлоқ хўжалик ерларининг меъёрий қийматини аниқлашда суғориладиган сувнинг етказиб бериш харажатлари ҳам ҳисобга олиниши белгиланган.

**О. РУСТАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари.**

**— Хорижга сайёҳ сифатида кетаётганда ўзимиз билан қандай маҳсулотларни олиб чиқиш тақиқланади?**

**Ж. КАТТАЕВ.**
Қоракўл тумани

## «Саёҳатга чиқсам...»

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётганда, сайёҳларга алоҳида талаблар ва тақиқлар қўйилмайди. Улар умумий асосларда саёҳатга чиқадилар. Ўзбекистондан олиб чиқилиши тақиқланган маҳсулотлар рўйхати юзасидан Давлат божхона қўмитасига мурожаат этиш мақсадга мувофиқ.

**А. ТЕМИРХОДЖАЕВ,**
**«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси ўринбосари.**

*— Фойдаланаётган мобиль алоқа воситаларимизнинг ҳаммаси — хорижники. Қачон ўзимизда шундай технологияларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади? Бу борада бирор-бир лойиҳа кўзда тутилганми?*

**С. РУСТАМОВ.**
Бахмал тумани

## Йўл равонлиги ва масъулият

***— Йўлнинг носозлиги туфайли транспорт ҳодисаси келиб чиқса, йўл қурилишига масъул бўлган корхона ҳам жавобгарликка тортиладими?***

**Ж. УСМОНОВ.**
Қумқўрғон тумани

— "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси "Автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартибига риоя қилмаганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги" деб номланади. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Автомобиль йўллари қайси юридик ва жисмоний шахслар ихтиёрида бўлса, ўша юридик ва жисмоний шахслар автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларга автомобиль йўлидаги носозликлар туфайли етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган тартибда қоплаши шарт.

Автомобиль йўлларидан ўтиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўладиган ишларни бажараётган юридик ва жисмоний шахслар автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартибига риоя этмаганлик, шунингдек, автомобиль йўлининг тегишли участкаларида ва айланиб ўтиш жойларида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминламаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар".

**Х. САЙДАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи.**



## Ўзимизда ҳам ишлаб чиқарилади

— Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 майдаги 156-қарори талабларини бажариш, шунингдек, "Telecom innovations" МЧЖ ҚК негизида смартфонлар, планшетли компьютерлар ва интернет приставкаларини ишлаб чиқариш-йиғишни ташкил этиш" инвестицион лойиҳасини амалга ошириш мақсадида, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси томонидан "Навоий" ЭИИЗ-да "Olive Telecommunication Pvt. Ltd." Ҳиндистон компанияси билан қўшма корхона ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу инвестицион лойиҳанинг биринчи босқичида "Olive Telecommunication Pvt. Ltd." мобиль ва стационар телефонларни, CDMA-450 стандартидаги модемларни, шунингдек, интернет приставкаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

**Х. МИРЗАХИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси.**

Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 59 761 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.25 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5